

## Мен учун Абдуллоҳнинг ўлиmidан кўра кўйлакни йўқотганим оғирроқ

15:07 / 28.04.2017 3007

Ибн Абу Зинод айтади: “Асмоъ бинт Абу Бакр розияллоҳу анҳонинг бисотларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўйлакларидан бири сақланарди. Уни ўғиллари Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳу кийиб юрарди. У киши ўлдирилганда кўйлак ҳам бошқа нарсалар қатори талаб, олиб кетилди. Кўйлакнинг олиб кетилганини эшитган оналари Асмоъ: “Мен учун Абдуллоҳнинг ўлиmidан кўра кўйлакни йўқотганим оғирроқ” дедилар.

Бироз вақт ўтиб, кўйлак шомлик бир кишида экани маълум бўлди. Асмоъ ўша одамдан кўйлакни қайтариб беришини талаб қилдилар. У одам: “Мен учун истиғфор айтмагунича қайтариб бермайман” деди. Асмоъ розияллоҳу анҳо: “Ўғлимнинг қотили учун қандай истиғфор айтаман?” дедилар. Одамлар: “Агар истиғфор айтмасангиз кўйлакни қайтариб бермас экан” дейишди. Шунда Ҳазрати Асмоъ: “Айтинглар, ўша одам олдимга келсин” дедилар.

Ўша одам Абдуллоҳ ибн Урва билан бирга Асмоънинг олдиларига келди. Қўлида кўйлак ҳам бор эди. Асмоъ розияллоҳу анҳо ҳалиги одамга: “Кўйлакни Абдуллоҳга бер” дедилар. У одам кўйлакни Абдуллоҳ ибн Урвага берди. Асмоъ: “Кўйлакни қўлингга олдингми, эй Абдуллоҳ?” деб сўрадилар. Абдуллоҳ: “Ҳа, олдим” деди. Шунда Асмоъ розияллоҳу анҳо шомлик одамга қараб: “Аллоҳ сени кечирсин, эй Абдуллоҳ, яъни Аллоҳнинг бандаси” дедилар-да, бу билан Абдуллоҳ ибн Урвани назарда тутдилар”.

Ҳоний Ҳожининг “Солиҳлар ҳаётидан минг бир қисса”

китобидан **Нозимжон Ҳошимжон** таржимаси